

Қ А Р О Р

2023 йил [REDACTED] куни, жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, ВКА режимида, судья М.М.Гиясовнинг раислигида, И.Юнусовнинг котиблигида, [REDACTED] иштирокида, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг [REDACTED] ва [REDACTED] 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар юзасидан: [REDACTED] йилда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, вақтинча ишсиз, [REDACTED], [REDACTED] тумани, [REDACTED] МФЙ, [REDACTED] кўчаси, [REDACTED] уйда яшовчи [REDACTED] га нисбатан тўпланган № 3-1009-2302/37 [REDACTED]-сонли маъмурий ҳуқуқбузарлик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

[REDACTED] 2023 йил [REDACTED] куни, жамиятда юриш-туриш қоидаларини менсимасдан, Яшнобод тумани, Алимкент кўчаси, “Ҳавас” маркети ёнида, яъни жамоат жойида фуқаро [REDACTED] ни турли хил уятсиз сўзлар билан ҳақорат қилиб, бақир-чақир қилганлиги сабабли, ИИО ходимлари келиб, ҳуқуқбузарликни тўхтатишини сўраб, ИИБ биносига бирга боришга таклиф қилинганда, уларга қаршилик кўрсатиб, уларнинг қонуний талабларини бажармагани, ИИБ биносида фуқаро Ф. [REDACTED] юзига тарсаки ургани, кейин ИИО ходимлари фуқаро Ф.Махамадалиевга тан жароҳати етказиб қўймаслиги учун унга кишан тақишгани [REDACTED] эса ИИБ ходимларини куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилганлиги аниқланган.

Ҳуқуқбузар [REDACTED] суд мажлисида, 2023 йил 17 май куни, Яшнобод тумани, Алимкент кўчаси, “Ҳавас” маркети ёнида, яъни жамоат жойида фуқаро [REDACTED] ни турли хил уятсиз сўзлар билан ҳақорат қилиб, бақир-чақир қилганлигини, ИИО ходимлари келиб, ҳуқуқбузарликни тўхтатишини сўраб, ИИБ биносига бирга боришга таклиф қилишганида, уларга қаршилик кўрсатиб, уларнинг қонуний талабларини бажармагани, ИИБ биносида фуқаро [REDACTED] нинг юзига тарсаки ургани, кейин ИИО ходимлари фуқаро [REDACTED] га тан жароҳати етказиб қўймаслиги учун унга кишан тақишгани, [REDACTED] эса ИИБ ходимларини куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилганлиги, ҳозирда қилган ишидан пушаймонлигини, бошқа бундай ҳолатни такрорламаслигини маълум қилиб, унга нисбатан енгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Жабрланувчи [REDACTED] суд мажлисида, юқоридагиларни тасдиқлаб, ўша куни ҳуқуқбузар [REDACTED] маст ҳолда, уни шашлик сотаётган пайтида кўчада судраб кетгани, шунда у ИИО ходимларини ёрдамга чақирганини, ИИО ходимлари келиб уларни ИИБ биносига олиб кириб



кетишаётганида ҳуқуқбузар [REDACTED] унинг юзига тарсаки туширганини, кейин ИИО ходимлари унга тан жароҳати етказиб қўймаслиги учун ҳуқуқбузар [REDACTED] кишан тақишгани, [REDACTED] эса ИИБ ходимларини куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилганлигини билдириб, унга нисбатан оғирроқ жазо тайинлашни сўради.

Суд, ҳуқуқбузар [REDACTED] айби суд мажлисидаги кўрсатувларидан ташқари, билдирги, гувоҳларнинг тушунтириш хатлари ва иш ҳужжатларида тўпланган бошқа объектив далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топган деб ҳисоблайди.

Суриштирув органи томонидан [REDACTED] ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг [REDACTED] ва 194-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Суд, ҳуқуқбузар [REDACTED] нисбатан жазо тайинлашда ҳуқуқбузарликнинг характерини ва ишнинг ҳолатини ҳамда жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, унга нисбатан у айбли деб топилган моддалар санкциясида назарда тутилган жазоларни тайинлаб, МЖТКнинг 34-моддасига асосан узил-кесил маъмурий қамоқ жазоси тайинлашни лозим деб топади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маъмурий қамоққа олинган шахсларни махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатларни ундириш тартиби тўғрисида”ги Низомга кўра, маъмурий қамоққа олинган шахснинг моддий аҳволи ва шахсини ҳисобга олинган ҳолда ҳуқуқбузар махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатларидан озод қилиниши мумкинлигини инобатга олиб ҳуқуқбузарни махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатларидан озод қилишни, аммо маъмурий қамоқни ўташ вақтида махсус қабулхонада сақланиши билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплаш учун ишлашдан озод этмасликни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 245, 309-311-моддаларига риоя қилиб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

[REDACTED], Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 183-моддаси ва 194-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этганликда айбли деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 183-моддаси билан 5 (беш) сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси МЖТК 194-моддасининг 1-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида – 660.000 (олти юз олтмиш минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 34-моддаси тартибида узил-кесил ўташ учун 5 (беш) сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинлансин.



Жазо ўташ муддати 2023 йил 18 май куни соат 12:00 дан бошлаб ҳисоблансин.

Қарорни ижро қилиш Яшнобод туман ИИО ФМБга юклатилсин.

Жазо ўталганидан сўнг ҳуқуқбузар махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатлардан озод қилинсин, бироқ ҳуқуқбузар харажатларнинг ўрнини қоплаш учун ишлашдан озод этилмасин.

Қарордан норози тарафлар йигирма сутка ичида, ҳуқуқбузар эса қарор нусхасини олган кундан бошлаб, шу муддат ичида шу суд орқали Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида шикоят қилишга, прокурор эса протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

(имзо)

М.М.Гиясов

Нусхаси аслига тўғри;

